

# **Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қуватлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар**

**<https://zenodo.org/records/11521765>**

**Позилов Санжарбек Мухаммадисмоилович**  
Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси

**Аннотация:** Уибу мақолада тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб қувватлаши, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган инновацион молиявий хизматлар тавсифи ва уларни ривожлантириши масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** банк, кичик бизнес, тадбиркорлик, лизинг, кредит

Республика тижорат банкларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар, фикримизча, қўйидвагилардан иборат:

Тижорат банклари кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътиборни юқори ликвидли гаров объектларининг мавжудлилигига қаратишади. Бу эса, кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда. Чунки, банклар талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас.

Халқаро банк амалиётида юқори ликвидли гаров объектлари сифатида ер, олтин ва бошқа нодир металлар, ҳукуматнинг қимматли қофозлари, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қофозлар эътироф этилади. Республикаизда, кичик бизнес субъектларининг балансида юқорида қайд этилган юқори ликвидли гаров объектларининг ҳеч қайсиси мавжуд эмас. Шу сабабли, гаров асосида кредитлаш ҳажмини ошириш имконияти мамлакатимизда чекланган.

Мамлакат банк амалиётида гаров асосида кредитлаш устувор бўлган ҳозирги шароитда ликвидли гаров объектлари масаласини ҳал қилиш кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услугий ва амалий асосларини такомиллаштиришнинг жуда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу борадаги долзарб муаммолардан яна бири бўлиб, кичик бизнес субъектларига республикамиз тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги ҳисобланади. Халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилаётган кредитларнинг фоиз ставкасини сезиларли даражада юқорилиги кузатилмоқда.

Дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициентининг паст бўлиши кичик бизнес субъектларининг ликвидлилигига ва молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Кичик бизнесни кредитлаш амалиётидаги муаммолардан яна бири – бу тижорат банклари томонидан арzon ресурс жалб этиш муаммосидир.

Тижорат банклари кичик бизнес субъектларига нисбатан паст фоиз ставкаларида кредитлар беришлари учун баҳоси паст бўлган ресурсларни банкка жалб этишлари лозим.

Паст фоизларда жалб этилган ресурслар қатъий белгиланган ставкага эга бўлиши зарур. Агар ушбу ресурс сузуви ставкада жалб қилинса, унинг баҳосини ошиб кетиш хавфи сақланиб қолади.

Тарақкий этган мамлакатларнинг банк амалиётида ахолининг омонатлари арzon ресурс манбай ҳисобланади. Аммо республикамиз банклари учун аҳоли омонатлари арzon ресурс манбай эмас.

Шунингдек, 2017 йилнинг 28 июнидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини бирдан 5 фоизли пунктга оширилиши тижорат банклари кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб кетишига олиб келди. Бу эса, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қиласи. Бунинг устига, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори бўлиши кичик бизнес субъектларининг олинган кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига олиб келади. Шу жиҳатдан олганда кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг

фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражада бўлишини таъминлаш кичик бизнесни ривожлантириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Кредитларнинг фоиз ставкаларини бу қадар юқори бўлиши кичик бизнес субъектларининг банклар кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш бевосита куйидаги икки омилга боғлиқ:

1. Тижорат банки кредитининг фоиз ставкаси (баҳоси).

Тижорат банки кредитининг баҳоси қанчалик юқори бўлса, кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг қайтмаслик эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

2. Кичик бизнес субъектларининг рентабеллик даражаси.

Кейинги йилларда инфляция даражасини ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини юқори бўлиши натижасида кичик бизнес субъектларининг рентабеллик даражасини пасайиши юз берди. Бунинг устига, кредитларнинг фоиз ставкаларини ошганлиги кичик бизнес субъектларининг фоизли харажатлари миқдорини ошишига хизмат қилди. Бу эса, мазкур субъектлар рентабеллигини пасайишига олиб қелади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилган кредитлар кичик бизнес субъектларига қимматга тушмоқда. Бу эса, уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, фоиз ставкалари кредитларнинг баҳоси ҳисобланади.

Ўрганишларимиз жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари юқорилигича қолмоқда. Бу ерда кредитлар баҳосининг юқори бўлишига республикамиз банкларининг ўzlари сабабчи бўлмоқда. Улар ўзларининг спрэд шаклидаги даромади ставкасини юқори белгилашмоқда. Бунинг устига,

жалб қилинаётган кредитларнинг асосий қисмини сузувчи ставкадаги кредитлар ташкил этмоқда.

Сузувчи ставкадаги валютавий кредитларда фоизли харажатлар микдорининг ошиш эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлади. Чунки, ушбу кредитлар қандай фоиз ставкасида жалб қилинишидан қатъий назар тўлаш кунидаги фоиз ставкаси бўйича тўланади.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётидаги долзарб муаммолардан яна бири – бу уларнинг пул оқимини заифлиги ва балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги муаммосидир.

Кичик бизнес субъектларининг аксарият қисмида пул оқимининг заифлиги уларни гаровсиз кредитлаш имконини бермайди. Юқори ликвидли гаров объектлари эса, уларнинг балансида мавжуд эмас. Бундай шароитда суғурта компанияларининг суғурта полиси тижорат банклари кредитлари учун таъминот вазифасини ўташи мумкин. Аммо республикамиз тижорат банкларининг суғурта компанияларига нисбатан ишонч даражасини юқори деб бўлмайди. Чунки, тижорат банклари ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий, инновацион шакллари мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан очилган хужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланган аккредитивлар салмоғининг жуда юқори эканлиги ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар ҳажмида хужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга оширилган тўловларнинг жуда кичик салмоқقا эга эканлиги.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни. <https://lex.uz/acts/-4590452>
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни <https://lex.uz/docs/-4581969>
3. Элмирзаев С.Э., Боев Б.Ж. Акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил. – Б.8; <http://interfinance.uz/en/arxiv/238-ikkiz20182307>

4. S.Elmirzayev va boshqalar. Moliya bozori. //: Darslik, – T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 222 b.
5. Бобакулов Т.И. Кредитлаш шакллари. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – Б. 377.
6. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 441.
7. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.
8. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.
9. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. Science and Education, 3 (5), 1646-1654.
10. Turayevich J. I. Akmal o’g’li, SM (2023) //INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHDA TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG’ARMASINING O’RNI. PEDAGOGS jurnali. – Т. 35. – № 4. – С. 147-157.
11. Жуманиязов Иномжон Тураевич Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан // Наука, образование и культура. 2016. №7 (10).
12. Иномжон Тураевич Жуманиязов, Нозимахон Омонуллохоновна Садыкова Ўзбекистонда ва жаҳонда суворен фондлар инвеститцион фаолияти // Science and Education. 2023. №6.
13. Inomjon J., Sarvar A. SUVEREN FONDLAR FAOLIYATI VA ULARNING MOLIYAVIY MABLAG ‘LARINI SAMARALI FOYDALANISHNING XORIJ TAJRIBASI //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – Т. 35. – № 4. – С. 102-108.